

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун яна бир қадам



Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун яна бир қадам

"Гулистан" маҳалласининг "Олтиариқ" қишлоғи Сурхон дарёси бўйида жойлашган сўлим қишлоқлардан бири.

"Олтиариқ" қишлоғини ичимлик суви билан таъминловчи сув минораларидан бири яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Куни-кеча маҳалла фаоллари ва қишлоқ аҳли хашар йўли билан ушбу минорани тиклаш ишларини олиб боришиди.

Хашар элга ярашар деганларидек қишлоқ ободлиги учун қилинган хайрли хашарда барча фаол иштирок этди.